**Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун**
**ШАРТНОМА**

20 22 йил "18" 01. 1508204 -сон Наманган ш.

(шартнома тузилган манзил)

Норин ХЭТК акциядорлик жамияти **"ишончнома"** асосида фаолият юритувчи рахбари Б. Ҳайитбоев (кейинги ўринларда

( электр таъминоти корхонаси рахбарининг Ф.И.О.)

**"Корхона"** деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи Норин тумани х.К.Т. ва.О.О.М.Х.Д. Маркази

("Истеъмолчи"нинг номи)

раҳбари З. Раҳмонова (кейинги ўринларда

("Истеъмолчи" раҳбарининг Ф.И.Ш.)

**"Истеъмолчи"**деб аталади),хисоб рақами - | | | | | | | | иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергияни хисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 777 кВт.с. реактив ________________ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 349650 сўмни, тариф(лар) бўйича 450

*тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПҚ-3379 нинг рўйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсин)*

ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик хажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.



### III. Хисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги "Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3379-сонли қарорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) Энергия учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учн табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат $9^{00}$ дан $17^{00}$ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат $6^{00}$ дан $9^{00}$ гача, кечки энг катта миқдор соат $17^{00}$ дан $22^{00}$ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: $22^{00}$ дан $24^{00}$ гача ва $00^{00}$ дан $6^{00}$ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

**Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.**

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли хил тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти манбаидан электр билан таъминланганда, хисобга олиш приборлари хар бир тариф гуруҳи учун алоҳида ўрнатилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича хисоб китоб қилинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.5. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда "Бюро" деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.